

# РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,  
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

# ЎСТИҚВОЛ ҲОҶИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 13 май № 18 (8460)

## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ – 2023

### МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида”ги ПФ–68-сон Фармони билан 2023 йил 9 июль куни муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилиши белгиланди.

Сайлов кодексига Ўзбекистон Республикасининг конституциявий Қонуни билан киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаган тақдирда, сайлов Сайлов кодексига тўлиқ мувофиқ ҳолда икки ой ичида ўтказилиши белгиланган. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Шу боис, 2023 йил 10 май куни Марказий сайлов комиссиясининг муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида сайлов кампаниясини эълон қилиш ва сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Календарь режани тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови учун сайлов кампанияси 10 майдан бошланиши белгиланди.

Сайловни ўтказиш билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган тадбирларни босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мажлисида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Календарь режаси тасдиқланди.

Мазкур Календарь режада мантиқий изчиллик асосида қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари белгиланди. Хусусан, Календарь режага мувофиқ сайлов жараёнининг 7 та йўналиши бўйича 51 та тадбирлар назарда тутилди.

Календарь режа сайлов кампаниясини қонун талабларига риоя қилган ҳолда очик ва ошкора, тўғри ҳамда самарали ташкил этиш, мавжуд куч ва имкониятларни оқилона тақсимлаш ва сафарбар этишни таъминлайди.

Календарь режа сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қонунчиликда белгиланган тадбирларни мантиқий изчилликда тизимли равишда амалга оширишга хизмат қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ҳамда муддатлари ҳақидаги ахборот сайловчилар ва сайлов жараёнларининг бошқа иштирокчиларига белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказилиши белгилаб олинди.

Марказий сайлов комиссияси  
Матбуот хизмати

## Онлайн суҳбат

Шу йилнинг саккизинчи май куни референдум натижаларига бағишланган йиғилишда парламентнинг айрим аъзолари, Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлари ва бошқа мутасаддилар иштирок этдилар. Йиғилишда жумладан, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлудахон Хўжаева иштирокини қузатдик. Йиғилиш якунлангандан сўнг М. Хўжаева билан онлайн суҳбат ўтказишга муваффақ бўлдик.



## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

– Мавлудахон, йиғилишда Президентимиз мамлакатимиз ҳаётида жуда катта сиёсий воқелик бўлган референдум натижалари ҳақида тўхталиб, донишманд халқимиз, яъни овоз берувчилар хоҳиш-иродаси билан биринчи майдан янги модда ва нормалар киритилган янгиланган Конституциямиз амал қила бошлаганини тилга олдилар ва яна мамлакатимиз ҳаётида муддатидан илгари ўтадиган Президент сайлови ҳақида-

ги янги фармонга имзо чеканларини айтдилар.

– Жуда тўғри. Эътибор қилган бўлсангиз, давлатимиз раҳбари муддатидан уч ярим йил илгари ўз ташаббуслари билан ваколатларини топшираётгани ҳақида сўзлаб, бунинг объектив заруратлари ҳақида батафсил гапирдилар. Улардан хулоса чиқариб айтишимиз мумкинки, Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз тараққиётининг

янги даврини бошлаб бериш билан бирга, Учинчи Ренессанснинг пойдеворини янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Бу, албатта барчамиздан, оддий фуқародан тортиб то мамлакат раҳбаригача масъулият ва талабчанликни ошириш ба-робарида жавобгарлик ҳиссини ошироқда. Президентлик ваколатини муддатидан илгари топширишнинг бош сабаби ҳам ана шундан.

Давоми 2-бетда



### Жараён

Яхшиямки, мавжудотларнинг гултожи бўлган инсонга хотирадек буюк неъмат ато этилган. Хотира бор экан, кадр-нинг муқаддаслигига иймон келтирасан. Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан туманимизнинг Хотира майдонига айланган Чимкент қишлоғидаги муқаддас гўшада бу йил ҳам болажонлардан тортиб ўрта ва кекса авлод вакиллари иштирокида унутилмас тадбир уюштирилди.

## ХОТИРА—АЗИЗ, ҚАДР—МУҚАДДАС

Туман ҳокими Илёсбек Новиков тадбир аввалида иштирокчилар ва туманимиз аҳлини кутлуғ кун билан табриклаб, урушнинг бутун башарият бошига солган кулфатлари, не-не инсонлар жони эвазига эришилган ғалабанинг аҳамияти, унга етиш йўлида қўштепаликлар қўшган ҳисса, урушдан қайтмаганлар, ногирон бўлиб қайтиб, унинг асоратини енгишда фидойилик кўрсатган ҳамқишлоқларимиз, фронторти фидойилари кўрсатган жасорат, бугунги дориламон

қунларга осонликча эришилмагани ҳақида сўзлади.

Тадбир бошланиши эълон қилингандан сўнг майдон узра Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Туман ҳарбийлари, маданият бўлими санъаткорлари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари Агентлигининг туманимиздаги мактаби ўқувчилари, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг чиқишларини кекса авлод вакиллари эътибор билан томоша қилдилар.



Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган суратлар ана шу жараёнда тасвирга туширилди.

УШБУ

2

\* Халқона ташаббусларга қанот бағишлаб  
\* Янгиликдан хабардормисиз?

СОНДА:

3

\* Инсонга эътибор  
\* "Булоқ қўз очди"  
\* "Ҳожси оши" жсоизми?

4

Сабоқ бекати  
\* ... Ширин ёлғондан афзалроқ  
\* Дунёнинг мумтоз файласуфлари

## Онлайн суҳбат

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ  
ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ  
ЎТКАЗИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Янгиланган Конституция-мизга киритилган моддалар, нормалар амалга оширилиши кутилаётган чуқур сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий ислохотлар қаторида давлат раҳбарининг халқимиз олдидаги масъулиятини янада ошироқда. Шундай экан, Шавкат Мирзиёевнинг президентлик ваколатини муддатидан илгари топшириш борасидаги фармонлари қадам қўяётганимиз – янги давр талаблари зару-

ратидан юзага чиқди. Шундай қилиб, Марказий сайлов комиссияси қарорига кўра, 10 майдан президент сайловига тайёргарлик кампанияси бошланди. Ўйлайманки, сиёсий жараёнга тайёргарлик ишлари Фарғонада, жумладан, Қўштепада ҳам қонун талаблари даражасида, юксак савияда олиб борилади.

– Суҳбатга вақт ажратганингиз учун раҳмат.

Суҳбатни Хадичахон  
КАРИМОВА ёзиб олди.

## “Кумуш тола” ижодкорлари

БЕДОР БЎЛГАН  
ДОҒДА ҚОЛМАЙДИ

Қисқа ва тиғиз палла бўлган пилла етиштириш мавсуми соҳибдан меҳнатнинг машаққатига тик боқишни, айти пайтда бедорликни талаб қилади. Мўъжизавий жониворлар тунлари ҳам парваришни талаб қилади. Ипак қурти парваришлаган миришкорлар буни яхши биладилар. “Бахт-Пахтакор Гармдон” худудидagi Сайид Акрам Мирзо

номли фермер хўжалиги “кумуш тола” ижодкорлари тажрибали пиллакор Мухаммадмусо Мамадалиев (чапда) етакчилигида 14 қути қурт уруғини агротехника талаби асосида парваришлаб, энг камида 700 килограмм пилла етиштиришни мўлжаллашмоқда. **Суратда: худуд пиллачилик агротехниги Муро-**

**дилжон Ҳайдаров (ўнгда), туман пиллачилик идораси етакчи мутахассиси Ибодатхон Султонова (ўртада), пиллакорлар Мухаммадмусо Мамадалиев, Тожиҳон Жўраева, Ойдиной Мелибоевалар билан ипак қурти ҳолатини кўздан кечирмоқдалар.**

## Мутахассис минбари

ХАЛҚОНА ТАШАББУСЛАРГА  
ҚАНОТ БАҒИШЛАБ

Мамлакатимизда бюджет очқилгини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг ёрқин ифодаси бўлган “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси аҳолини жойлардаги ижтимоий муаммоларни ечишда жамоавий қарорлар қабул қилишга, жамоатчилик назорати кучайтишига ҳамда давлат томонидан берилмаётган имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланишга ундамоқда. Бу орқали фуқароларимиз давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланишида фаол иштирок этиб, узоқ йиллардан буён ечимини тополмай келаётган муаммоларни баҳамжиҳатлик билан бартараф этмоқдалар.

Лойиҳанинг жорий йил март-апрель ойлари давомида қизғин давом этган иккинчи босқичида туманимиздаги 51 та маҳалла фуқаролар йиғинлари иштирок этди. Жойлардаги инфратузилмани яхшилаш мақсадида жами 48 миллиард сўмдан зиёд 62 та лойиҳа билан қатнашган қўштепаликлар яқиндагина эълон қилинган натижаларни катта ҳаяжон билан қарши олдилар. Ниҳоят, 21 та маҳалла аҳли томонидан илгари сурилган 23 та лойиҳа қолиб, деб топилгани эълон қилиниб, устунликка эришган туман дошларимиз ўз худудларида бунёдкорлик ишларининг бошланишини кўтаринки кайфиятда кутмоқдалар. Маълумотларга кўра, туманимизда маҳалла инфратузилмаларини яхшилаш учун 26 миллиард 975 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Ушбу маблағнинг ажратилиши учун 108731 нафар фуқаро томонидан овоз берилган.

Қолиб бўлган маҳаллаларнинг лойиҳаларига назар ташлаб, элнинг эзгу мақсадлари, юрт тараққиётига ҳамоҳанг орзу-истакларини кўриш мумкин. Бирмунча оддий, лекин турмуш жараёнида бениҳоя муҳим бўлган шарт-шароитлар, масалан, “Ғиштмон” маҳалла фуқаролар йиғини Фидоий ҳамда Ғиштмон кўчаларига юқори

кучланишли тармоқ тортилиши, Жавоҳир, Янгиариқ, Оҳанг, Ибн Сино номли кўчаларига биттадан трансформатор ҳамда худуддаги барча эски симёғочлар ўрнига янги бетон устунлар ўрнатилиши, замонавий ёпиқ кабеллар тортилиши ва ёритиш чирокларини ўрнатиш маҳалла аҳлининг ҳаётига қанчалар энгиллик, фаровонлик олиб киришини тасаввур қилиш қийин эмас.

“Сойбўйи” маҳалла йиғини худудидagi 40-умумтаълим мактабини таъмирлаш, “Дўрмон”даги етти та кўчанинг 3650 метр қисмини асфальтлаштириш, “Оқтепа”даги 13-мактаб худудидa барча қулайликларга эга замонавий спорт мажмуаси барпо қилиш каби лойиҳалар аҳолининг соғлом турмуш тарзи, ёш авлоднинг ёрқин келажаги, инсон қадрли улугланишига хизмат қилиши шаксиз.

Икки мингтадан кўп овоз тўплаган, таклиф суммаси 20 991 509 000 сўмга тенг лойиҳаларни таҳлил этадиган бўлсак, “Йўлдошобод”, “Қамиштепа”, “Эшонгузар”, “Ватан”, “Халқобод”, “Дўстлик”, “Гармдон”, “Янгиариқ”, “Қувурбоши” маҳаллаларида амалга оширилиши кўзланган лойиҳалар асосан электр симларни алмаштириш, ички йўллари асфальтлаштириш, янги симёғочлари ҳамда трансформаторлар ўрнатиш, таълим

муассасаларини таъмирлаш, спорт зали биносини жорий таъмирлаш ҳамда болалар учун сунъий стадион қуриш каби ҳаётбахш режаларни ўз ичига олган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг профессионал таълим тизимида Дуал таълимни ташкил этиш борасидаги қарорига асосан Халқаро меҳнат бозорига рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида тумандаги 2-сон касб-хунар мактаби ўқувчиларини Дуал таълим шаклида амалиёт ўташларига шароит яратиш ҳамда аҳоли автомобилларига сервис хизмат кўрсатиш устахонаси қуриш кўзланган. “Қийқи” маҳалла фуқаролар йиғини худудидa жойлашган 11-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабини замонавий электрон доскалар билан таъминлаш, уларни интернет локал тармоғига улаш ва кузатув камераларини ўрнатиш ҳам шу жумладандир. Эътиборлиси, овоз сонининг нисбатан кўплиги натижасида юқоридаги ташаббуслар ҳам давлат бюджети томонидан тегишли тартибда ва маълум миқдорда қўллаб-қувватланадиган бўлди.

Етарлича овоз йиғолмаган маҳаллалар кейинги босқични кутиши, ўз лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилиши йўлида саъй-ҳаракатларни давом эттириши шубҳасиз. Мақсад аниқ, шундай экан, халқимизнинг ташаббусларига қанот бераётган йирик лойиҳа давом этади.

**Зоҳиджон ТЕШАБОЕВ, туман ҳокимлиги камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимининг маҳалла институтини ривожлантириш бўйича бош мутахассиси.**

## Янгиликдан хабардормисиз?

Охирги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг салмоқли ҳиссаси солиқ тизимига тўғри келаётгани соҳага эътибор кучайтирилганидан дарак бермоқда. Шу билан бирга, жорий этилаётган ўзгариш ва янгиликларнинг аксарияти аҳолига энгиллик яратишга доир эканлигини таъкидлаш керак. Жорий йилда қонунчиликка киритилган қатор янги тартиб-тамоийлар шу жумладандир.

ТАДБИРКОР  
МАНФААТИ  
ТОМОНИДАМИЗ

Хусусан, 2023 йил 1 январдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқ ставкалари солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун 4 фоиз миқдоридаги ягона ставкани белгилаган ҳолда бир хиллаштирилди. Бундан ташқари, шу санадан эътиборан айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгилаган суммада тўлаш тартиби жорий этилди.

Айтиш жоизки, мазкур тартиб бўйича солиқ тўлаш ихтиёрий ҳисобланади. Ушбу тартибни танлаш тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги энгилликларни яратиш беради:

–солиқ органларига молиявий ҳисоботлар ва айланмадан олинадиган солиқ ҳисоботини тақдим этиш мажбурияти юзага келмайди;

–банк ҳисоб варағидан дивиденд тарзида ечиб олинадиган маблағлар солиққа тортилмайди;

–товарлар ҳисобини юритиш талаб этилмайди. Юқоридагилар айти пайтда Юртбошимиз томонидан тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ишбилармонлик муҳитида тобора қулай шарт-шароитлар яратилаётганига ёрқин мисол бўла олади. Президентимиз томонидан жорий йил 26 апрелда имзоланган “Ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда уларни доимий иш билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармоннинг мазмун-моҳияти айнан тадбиркорликка кенг йўл очишдан иборатдир.

Мазкур ҳужжатга кўра, 2023 йил 1 майдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар иш берувчиларга

(бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўловчилар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилади. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарт билан еттинчи ойдан бошлаб қоплаб берилади.

Айти кунларда инспекциямиз ходимлари томонидан тадбиркорлар билан турли очик мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Муаммолар ўрганилиб, ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган асосий йўналишлар белгилаб олинган ҳолда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Масалан, йилнинг шу даврига қадар 233 та тадбиркорлик субъектларининг қийнаётган муаммолар ўрганилди ва кўмаклашиш зарур бўлган 210 тасига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солиқ режими таъминлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча тўловларини қайтариш каби масалалар бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз бундан буён ҳам, тадбиркорни текширувчи эмас, балки яқин кўмакчиси сифатида иш юритаверамиз.

**Зухриддин МИРЗАЕВ, туман солиқ инспекцияси бошлиғи.**

Инсонга эътибор

## ҲАМШИРАЛАР КУНИДА ШИФОКОР ОНАЛАРГА ҲАМ ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Кеча, 12 май куни "Қийқи"даги маданият марказида туманимиз тиббиёт ходимлари, жамоатчилик вакиллари бутун мамлакатимизда нишонланган Халқаро ҳамширалар кунини кенг байрам қилдилар. Туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаб-ба уюшмаси қўмитаси ҳамкорликда уюштирган байрам тантанасида туман ҳоқими Илёсбек Новиков иштирок этди ва соҳа ходимларини касб байрами билан табриклади. Касбига фидойилик билан хизмат қилаётган 126 нафар ҳаширага маъмурият ҳамда касаб-ба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари тантанали суратда тақдим этилди (суратда).

Шу куни тиббиёт соҳасида садоқат билан меҳнат қилаётган оналарга эҳтиром кўрсатилди. Улардан бири "Оқтепа" оилавий шифокорлик пункти мудираси Маҳфузахон Юсупова (суратда)нинг кўнгли ҳам фарзандлари ва келинлари кўрсатган эҳтиромдан тоғдек кўтарилди.



Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган суратлар.

Менда ҳам фикр бор

Диндошларимиз борки, Аллоҳнинг Уйини зиёрат қилишни, мусулмончиликнинг бешинчи фарзи – ҳаж амалини бажаришни, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умра қилишдек суннатини адо этишни орзулайди. Яратганга беҳисоб шукрларким, жуда кўпчиликка бу улуг ниятга етиш насиб айламоқда. Бунинг учун мамлакатимизда яратиб берилган имкониятларга ҳар қанча шукроналар келтирсак, арзийди.

## "ҲОЖИ ОШИ" ЖОИЗМИ?

Аввалгилар учун бундай шарт-шароитлар орзулигича қолгани ҳаммамизга аён. Аллоҳнинг уйини зиёрат қилишга қурби етарли, аммо ўзлари етолмай, армонда кетганлар қанча эди. Мусулмончиликнинг бешинчи фарзи, яъни ҳаж амалини адо этиб қайтганлар йилдан-йилга кўпайиб бораётганлар. Илоҳим, ҳамманинг ҳам фарз ва суннат амаллари даргоҳида қабул бўлган бўлсин.

Бугун-чи? Ҳар куни кимдир умра зиёратини адо этиб келганини эшитиб қоламиз. Қандай яхши-а?! Уларни бу улуг зиёрат билан кутлуғлаб бориш ўзбекона қадриятларимиздан, албатта. Илгарилари шу улуг сафарнинг ҳурматидан зиёратдан қайтганларни эшик олдида чақириб, келтирган "зам-зам" сувидан етказганига шукрона айлаб, бир қултум ичиб қайтиш одат бўлган экан. Ҳатто элни чорлаб, зиёфат қилиб беришга қодирлар ҳам айна шу йўлни тутган эканлар. Ҳозир-чи?

Зиёратдан қайтганини элга маълум этиш учун эҳсон қилиш анъанага айланиб қолди. Қурби етса-етмас, қўй сўйиб, "ҳожиди оши" бериш турмушимизга тобора сингиб бормоқда. Буни бидъатдан бошқача баҳолаш мумкин эмас. Бидъат ишнинг умматлари учун зарарлиги эътиборидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай огоҳлантирганлар: «Албатта,

гўзал ва қабул бўлади. Агар ниятида обрў топиш бўлса, обрў топади, аммо қилган ибодатидан маҳрум бўлади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бидъатчиға лаънатлар бўлсин, дея қаттиқ гапирганлар. Чунки ёмон бидъат динни ва одамларнинг қалбини бузади. Бугунги кундаги "ҳожиди оши" ортидаги исрофларни кўринг: бир камбағалнинг тўйи ўтадиган даражадаги маблағни "ҳожиди оши" дастурхонига сарфлаб, катта исрофларни қилмоқдалар. Бунинг ўрнига сарф қилаётган маблағини маҳалласидаги қийналган оилага берса, ўғлини ўйлантириб, қизини чиқара олмайётган қариндошини қўлласа, улуг савоб иш қилган бўлмасмиди?!

Шу ўринда Аллоҳнинг каломидидаги ушбу сўзларни келтиришни жоиз билдик: «Эй мўминлар, шайтоннинг изидан эргашманглар! Ким шайтоннинг изидан эргашса, албатта (шайтон) бузуқлик ва ёмонликка буюрур. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, сизлардан бирон киши (бирон гуноҳдан) пок бўлмас эди. Лекин, Аллоҳ (фазлу марҳамати билан) ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир» (Нур сураси). Аллоҳ таоло бандаларни ушбу оят орқали мўминлар бидъатлар ортидан шайтонга эргашилари, шайтони лаъин исрофни яхши кўриши ва кибрни банданинг қалбига қуйиши,



Аллоҳ таоло ҳар бир бидъат аҳлидан тавбани тўсиб қўйгандир» (Имом Табароний ривояти). Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз, бидъатлар, яъни янги пайдо бўлган ишлар икки қисмга бўлинади: биринчиси – бидъати ҳасана (яхшиликка хизмат қилувчи янги пайдо бўлган одатлар), иккинчиси – бидъати саййиъа (ёмонликка хизмат қилувчи янги пайдо бўлган одатлар).

Афсуски, ёмон бидъатлар ҳаёти-мизга ҳар куни шамолдек кириб келмоқда. Айна муборак Ҳаж ва Умра сафарига бориб келаётганлар ҳовлисидаги дабдабалар, йўлакларга узундан-узун гилам тўшашлар, пойандоз ёзишлар, қўйлар сўйиб, исрофнинг энг олий чўққисига чиқаётганлар айна ёмон бидъатни жорий қилмоқдалар. Амаллар қабул бўлдими, бўлмади бу ҳали мавҳум эканини унутиб қўйяпмиз. Ҳар бир амал ният билан

бу эса хорлик томон етаклашидан огоҳлантиради.

Юртимиз тинч, одамларимиз бемалол диний амалларни бажаряптилар. Бу неъматларни суистеъмол қилмаслик керак. Пайғамбаримиз(с.а.в): "Ким қайси неъматни исроф қилса, Аллоҳ ўша неъматни аста тортиб олади ва у қиёматга қадар қайтмайди", деб огоҳлантирганлар.

Имкони бору, йўқ зиёратчилар исрофга, манманликка берилмасликлари керак. Ота-боболаримиз бундай кунларни кўрмадилар, бизлар кўрдик. Аллоҳнинг муқаддас манзилларига етган оёғингизни шайтоннинг поёндозиға босманг! Исрофдан ва манманликдан ўзингизни ва бошқаларни асранг. Илоё, улуг зиёратингиз даргоҳида қабул бўлсин.

Турсунтойир ЭРБЎТАЕВ,  
Қўмтепадаги "Мўйи муборак"  
мачити имом-ҳатиби.

● "Булоқ кўз очди"

## ВАТАН

Кичкина маошга мумкин кун кўрмок,  
Умр кўриш мумкин кичик хонада.  
Ғам емагин асло кичик деб жуссам,  
Шундай туғилгансан асли онадан.

Осмонга бир қара: чексиз коинот,  
Порлаб турар катта-кичик юлдузлар.  
Инсоннинг ҳам асли жуссаси эмас,  
Руҳий буюклиги юксакни кўзлар.

Ватаннинг ҳам катта-кичиги бўлмас,  
Ватан сўзи эмас жуғрофий ўлчам.  
Ватан тушунчаси кичик юракнинг  
Катта севгисиди эрур мужассам.




Сўғдиёна ИБРОҲИМОВА,  
2-ИДУМИ 9-синф ўқувчиси.

## УСТОЗИМ

Ҳаёт мактабининг моҳир сардори,  
Улуғ эҳтиромга муносиб устоз.  
Келажақ боғининг уста боғбони,  
Сиз берган қанот-ла қиламиз парвоз.

Гул унар Сиз юрган йўлларингизда,  
Достон битмоқ учун арзигулик зот.  
Меҳр нурун берар юзларингизга,  
Сиз-ла топажакмиз нурли камолот.

Моҳидил МЕЛИҚЎЗИЕВА,  
2-ИДУМИ 10-синф ўқувчиси



**Расулulloх  
(с.а.в.)  
хадисларидан**



Илм талаб қилиш ҳар бир муслмонга фарздир. Албатта, илм талабидаги кишига ҳар бир нарса истиғфор айтади. Ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам.

**Анас (розияллоху анху)дан Ибн Абдулбарр ривояти.**

Мухлис бандаларга мунча ҳам яхши, улар ҳидоят чироқларидир. Улар туфайли барча фитна зулматлари ёришади.

**Савбон (розияллоху анху)дан Абу Нуайм ривояти.**

Аллоҳнинг соясига пешқадам бўлганларга мунча ҳам яхши. Улар шундай кишиларки, ҳақ нарса кўрсатилса, қабул қилишади. Ҳақ нарса сўралса, беришади. Бошқа инсонларга ҳам худди ўзларига ҳукм қилгандек ҳукм қилишади.

**Ҳазрат Ойша (розияллоху анху)дан Ҳаким ривояти.**

Масхара бўлмасдан, тавозе қилган кишига, ҳақир бўлмасдан, ўзини хўр тутган одамга, гуноҳ қилмасдан, молини инфоқ этган кишига, фикҳ ва ҳикмат аҳлига аралашиб юрган инсонга ва қийналиб қолган, хўрланган кишиларга раҳм айлаганларга мунча ҳам яхши. Нафсини хўр тутиб, касби ҳалол, ичи яхши, усти олижаноб ва ёмонлигидан одамлар йироқда турган кишига мунча ҳам яхши. Илмига амал этиб, молидан ортиқчасини инфоқ қилиб, сўзининг ортиқчасини гапирмай ушлаб турган кишига мунча ҳам яхши.

**Бухорий ривояти.**

Тилини тийиб, уйдаги рўзгорини кенг қилиб, яъни керакли нарсаларни муҳайё этиб, хатосига йиғлаган кишига мунча ҳам яхши.

**Савбон (розияллоху анху)дан Табароний ривояти.**

Қиёмат куни ўз саҳифасида кўп истиғфор топган кишига мунча ҳам яхши.

**Ибн Можа ривояти.**  
"2002 ҳадис"дан.  
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).  
"Мунир" нашриёти.  
Тошкент—2022 йил.

**Saboq bekati**



Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.  
Алишер НАВОЙЙ.

**Аҳли дониш дейдиларки...**

**... ШИРИН ЁЛҒОНДАН АФЗАЛРОҚ**

Иродасиз одамлар софдил бўлолмайдилар.

**Ф. ЛАРОШФУКО**

Ҳақиқат тенгсиз бойлигимиздир. Келинлар, уни авайлаб-асрайлик.

**МАРК ТВЕН**

Қаердаки ҳақиқатга маломат ёғди-рарканлар, ўша жойда уни ҳимоя қил.

**Р. ЭМЕРСОН**

Агар сиз ҳақиқатни яшириб, тупроққа кўмсангиз, у бошқа униб чиқади ва кейин шундай кучга айланадики, бир кун бориб, ерни ёриб чиққач, ўз йўлида учраган жами нарсаларни супуриб ташлайди.

**Э. ЗОЛЯ**

Ҳақиқат қуёш сингари туман остида қолиши мумкин, аммо бу ўткинчи ҳол.

**К. БОУВИ**

Ҳақиқат гоҳо эгилади-ю, аммо ҳеч вақт синмайди, бамисоли сув бетидеги мойдек ёлғоннинг юзига қалқиб чиқади.

**М. СЕРВАНТЕС**

Ҳақиқатга ҳар қандай масофа писанд эмас ва уни ҳеч бир чегара тўхта-толмайди.

**А. БАРБЮС**

Энг аччиқ ҳақиқат ҳамisha ширин ёлғондан кўра афзалроқ.

**Н. А. ОСТРОВСКИЙ**

Ҳақиқатнинг бардоши зўр: ҳарқалай у қаримайди, у ҳамisha навқиронлигича қолаверади ва қачондир бориб англаб етилади

**Ж. ГЮЙО**


Вақт-соат келиб, ҳар қандай ҳақиқат ҳам рўёбга чиқади.

**МЕНАНДР**

Ҳақиқатдан ёлғончилар билан сохта гувоҳлар қочиб қутулолмайди.

**ГЕРАКЛИТ**

**"Тафаккур гулшани"дан.  
Ғафур ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти.  
Тошкент—1989 йил.**



**Табиатнинг ўзи мусаввир**

**Ҳаёти...**

Хитойлик файласуф, сиёсатдон ва ҳарб илми билимдони Ван Шоужен Юйяо музофотида туғилиб ўсди. Унинг отаси Ван Хуа зиёли оиладан бўлиб, тез юқорилаб борган. Ван Шоужен тўрт ёшгача гапиролмаган. Бир Будда роҳиби болакайни кўриб: "Яхши бола экан. Фақат, афсуски, унинг тақдири зоҳирида шундоққина аён бўлиб турибди", — дейди. Роҳиб афтидан файласуф Лао-Цзининг: "Билгучи гапирмайди", — деган машҳур нақлига ишора қилганди. Бу сўзни эшитган бобоси боланинг исмини Шоужен (инсонларварлик ҳимоячиси) деб ўзгартиради. Ажабки, шундан сўнг Шоужен гапира бошлади.

Шоужен ўн ёшидан бошлаб шеърлар ёзган. Бу шеърлар фақатгина адабий нуқтаи назардан эмас, балки фалсафий мазмуни билан ҳам диққатни жалб этарди.

Шоужен 12 ёшида етим қолади. 16 ёшида уйланади. 1489 йилда Ван Шоужен файласуф Чуж Си издоши Лоу Лян (1422-1491) билан танишади ва ундан тахсил олади. 1493-1499 йиллар орасида Ван Шоужен доцизм, буддавийлик ва Конфуцийнинг мумтоз фалсафасини кунт билан ўрганади. Айни пайтда бадий ижод ва ҳарб илми сирларини ўрганишга ҳам вақт ажратади.

1499 йилда Ван Шоужен цзин ши даражаси учун имтиҳон топшириб, император саройи мансабдорлари орасидан ўрин олади.

1505 йилда Хитой тахтига 15



**Дунёнинг мумтоз файласуфлари**

**Ван Шоужен  
(Янмин)**

(1472-1529)

масдан, ўрганмасдан билгучи қалбдир.

Қалб – табиат, табиат эса қоида.

аташларидан орланади.

Инсон табиати аслида олий фазилатлар мажмуасидир. Унинг табиати ўз ибтидоида заррача ёвузликдан ҳам ҳоли бўлган.

Биз бирор илми имконияти-миз ва мавқеимиз даражасида ўрганиб, ниҳоясига етказамиз.

Нарсаларнинг моҳиятини англаш қалбадаги, фикрдаги ва илмдаги нарсаларнинг моҳиятини англаш демакдир.

Ван Янминдан дўсти сўради: — Китоб ўқигандан сўнг ҳеч нарса ёдда қолмаса нима қилмоқ керак?

Ван Янмин деди: — Уни тушунмоқ керак, ёдлаш шарт эмас. Тушунмоқ зарурати ҳам иккинчи даражали нарса. Энг аввало китобнинг асосий моҳиятини англамоқ жоиз.

**"Ҳақиқат манзаралари"дан.  
"Янги аср авлоди".  
Тошкент—2002 йил.**

ёшли Хоучжао ўтиргач, бир гуруҳ сарой аъёнлари қатори Ван Янмин ҳам қувғинга учрайди. Қувғин йиллари файласуф учун жуда катта ҳаётий мактаб вази-фасини ўтайди. У руҳан камолга етиб, дунёвий илмларнинг ўткир билимдонига айланади. Файласуф айни шу кезларда "билим ва ҳаракатнинг бирлиги" ҳақидаги фоят муҳим тамойилни ишлаб чиқади.

1509 йилда Ван Янмин қувғиндан қайтади ва Гуйчжоу музофотининг пойтахти Гуйянда фалсафадан дарс бера бошлади.

Буюк файласуф 1529 йилнинг 9 январида бетобликдан вафот этади.

**...Ҳикмати**

Билим ҳаракатдир.

Табиий билим нима? У ҳақиқат ва ёлғонни ажратувчи, ўйла-

Ҳақиқий қувонч доноликда камолга етган зотлар ва оддий одамларга хосдир. Бироқ бу неъматга эга бўлган оддий одамларнинг ўзлари бундан беҳабар бўладилар.

Билим – ҳаракатни бошқарувчи асосий фикр. Ҳаракат эса илмнинг амалий манбаи. Билим – ҳаракат ибтидои, ҳаракат – билим интиҳосидир.

Инсон қалби – осмон каби тубсиз.

Комил инсон ҳар бир одамнинг комил бўлиши учун қайғуради.

Олий эзгулик – қалбнинг асл моҳияти. Зеро, ҳатто учига чиққан қароқчи ҳам талончилик қилмаслик кераклигини яхши англайди. У ўзини ўғри деб

**Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!**